



ШИС АЛАЙХИССАЛОМ ИБН ОДАМ АЛАЙХИССАЛОМ ВАССАЛАВОТУ АЛАЙХУМ АЖМАЪИН ЗИКРИ

Шис Сурайёдир ва Оллох муродифидир. У шериксиз тугилган. Авлоди турбатининг махбуби бўлган. Хазрати Одам алайхиссеаломга хулқда ва хулқ турбатга монанддир, бошқа биродарларига караганда кўпроқ (отасига) ўхшарди. Баъзиларнинг айтишича, улардан катта эди. Хобилни катл этиш воқеасидан беш йил ўтгач, Кобилнинг синглиси унга кўшилди. Унинг умри бир юз элликка етганда унга вахий нозил бўлди: у хикматдан таълим ва илмлардан дарслар олган дастлабки одамдир. Шу жихатдан ҳакимлар уни биринчи Уриё деб атадилар. Сурёний тилида Уриёнинг маъноси муаллимдир. Насорийлар ривоятча, икки юз ўттиз ёшида тошу гилдан Каъба хонасини курди. Хос ашёлар билан таъминладик, уни Гознимун дейдилар. Баъзиларнинг айтишича, Малжоз ибн Одамнинг ўғлидир. Бу гапга асос йўқ. Шис хайъат, нужум, ҳисоб илмларида ўз нуктаи назари ҳукмларига эга бўлган биринчи одамдир. Ўз оха-онаси учун намоз ўқиган дастлабки одамдир ва ўз отаси амру васиятларини адо этишга бел боғлагандир. Одамлар уни фарзандлари орасида хат ёзиш таълими, хайётлик ва қарбос қийишни одат қилган биринчи одамдир, дейишади. Банди-лик ва бандалиқ расмини жорий қилган биринчи одам ҳам шудир. Худо йўлида жиход қилмоқни қасб айлаган биринчи одамдир. Оташпарастлик йўлидан кетган Кобил фарзандла-ри билан аксар жангга кетардилар. Насихатга қулоқ солдилар. Аммо оталарини банд қилиб, қелтириб, танбех берди. Ул соҳибу саодатга қарашли одамларни кеча-кундуз соатларини ибодатда ўтказишни (таъқидлади). Унинг шариати отасининг шариати эди. Эллик саҳифа қирк йил муддатда унга нозил бўлди. Саксон йил халқни шу тўғри йўлдан устивор бошлади. Бир минг ўн икки ёшлигида дунёдан ўтди. Баъзилар фикрича, тўққиз юз ўттиз икки йил, бошқалар сўзича эса тўққиз юз йил умр кўрган. Кейин жаннат томон йўл олди.

АНУШ ИБН ШИС АЛАЙХИССАЛОМ ЗИКРИ

Анушнинг маъноси содиқдир. Ануш Шис ибн Одамнинг васий ўғли бўлди. Баъзиларнинг

сўзига караганда, у пайгамбар бўлмаган, аммо васий бўлган. Кавмини Одам алайхиссалом динига даъват этган. Подшолик, салтанат ва фармонраволик даъвосини кўйган биринчи одам шу эди. Хурмо дарахтини экиш унинг ихтироларидандир. (в. 6а). Ёши тўккиз юз олти бешга етганда, бошка ривоят бўйича тўккиз юз эллик йиллигида ўгли Кайнон ибн Ануш ибн Шис ибн Одам алайхиссаломни ўзига васий ва халифа қилиб тайинлади. Кейин оламдан ўтди.

КАЙНОН ИБН АНУШ ИБН ШИС АЛАЙХИССАЛОМ ЗИКРИ

Кайноннинг сурёнийча маъноси зобитдир. Кавмга юз йил бошчилик қилди. 900 йил, бошка фикр бўйича 910 йил, (учинчи) бир ривоятга караганда 840 йил умр кўрган. Ихтилофли ривоятлардан катъий назар, у Бино шахрини кургани маълум. Иморатлар, богу бўстонлар тарҳини чекиш унинг ихтироларидандир. Ўгли Махлоилни ўзига қоиммаком этиб тайинлади.

МАХЛОЙИЛ ИБН КАЙНОН ИБН АНУШ ИБН ШИС ИБН ОДАМ АЛАЙХИССАЛОМ ЗИКРИ

Махлоил Мамдух муродифидир. Махлоил отаси ўрнига қоиммаком бўлгач, 300 йил подшоҳлик қилди. Фарзандлари кўп эди, 895 ёшга етганда, бошка бир фикр бўйича 926 йил умр кўрди, фикрлар ихтилофидан катъий назар, Сузи Аксо шахри у курган бинолардандир, Ўгли Барвин Махлоилни ўзига васии ва қоиммақомликка тайинлади. Баъзилар унинг исмини Борид дейишади. Бориднинг маъноси Зобитдир. Борид баъзилар сўзича 967 ёшга етганда ўлган. Бошка ривоят бўйича 960 ёшга кирган. Дарё ва анхорларни у пайдо қилган. «Нафойис-ул-фунун» соҳиби сўзига караганда фарзандлари сони кўпая бошлагач, атроф заминни эгаллаб, ҳукмронлик қилганлар. Шайтон игвосига учиб бутпарастликни бошлаганлар.

АХНУХ ИБН БОРИД ИБН МАХЛОЙИЛ ИБН КАЙНОН ИБН АНУШ ИБН ШИС ИБН ОДАМ АЛАЙХИССАЛОМ ЗИКРИ

Баъзилар таъкидича, «Хунух» ҳамзасиздир. Сабоги кўплигидан Идрис ҳам деб атаганлар. Унга савоботу саломлар бўлсин, Ул хазратни Урёйи солис деб атаганлар. Хурмус ул-Харомиса деганлар, Волидул-хукамо атаганлар. Мусалласун-наъм вар-раёса

хам деганлар. Айтишларича, пайгамбар, подшоҳ ва ҳаким бўлган. Хурмус Уторудга муродиф эди. Абулмаъшар Балхийнинг ёзишича, Харомиса (Хурмуслар) кўп бўлган. Лекин фазилатлилари уч киши бўлган, деб айтадилар. Бири Хурмус ун-наби бўлиб, Идрис алайхиссаломдир. Иккинчиси, Хурмус Бобилий Роййон анбиёси жумласидан. Лакаби Боворёи соний бўлиб, Ҳаким (в. 66) Фисогурш унинг шогирдидир. Илмлар йўқолиб, Тўфонни кайта бошдан тузди. Учинчиси Хурмус Мисрий. Исфилунснинг устоди. Жамеъи илмларда хусусан тиб илмида ва кимё илмида маҳорат ҳосил қилади. Баъзилар ёзадики, Идрис алайхиссалом Одам алайхиссалом вақтида 100 яшар ёки 363 яшар бўлган. Бошқа бир ривоятга кўра, Армурухон сўнгги пайгамбар ва улуг ҳашаматли бўлган. Гарчанд уламо наздида улувул-азимлиги тасдиқланмаган бўлса ҳам, пайгамбар бўлганига ҳеч ким шак келтиролмай-ди^ зероки Идрис алайхиссалом хитоби Куръонда зикр этилгандир. Хар набики, соҳиби китоб экан, уни расул деб атайдилар. Гарчи, барча илмларни унга нисбат берсалар ҳам, алайхиссалом. Аммо, илми хайъат бўйича машҳур кишилар фикрича нужум ва юлдузшунбслик унинг мўъжизалари-дандир. Ёзув, ип йигирмок, тўқувчилик, тикувчилик санъ-атлари шул жанобларига мансуб, деб биладилар. Миср эҳромларини у курган деб айтадилар ва у ердаги шакллар, суратлар жамий санъатлар суратларини ҳамда асбобларини ихтиро қилган, дейишади. Айтадиларки, Тўфон ҳолидан у хабар берган. Даъват муддати давомида 120 йил ичида 30 саҳифа ул жанобга ташрифни нузул бўлган. Миср ва унинг ҳудудида бўлган. Бир гуруҳ одамлар айтишича, Хиндистон саводи аъзамида яшаган. Лекин ул ҳазрат қадамлари асари Мисрдаги Дамиёт шаҳрида, тош тахта устида ўлтирганлари маълум. Ҳазрати Жаброил алайхиссалом келганда ўз кано-тида кўтариб осмонга олиб чиқиб кетган. Эҳтимол, оёғи ўшанда Хиндистонга ҳам кўйилган бўлиши мумкин. Айтадиларки, офтобнинг бир бурждан иккинчи буржга ўтишини Оллоҳ неъматларининг зохир бўлиши деб билган ва (шу муносабат билан) ажиб бир байрам ташкил этган. Юлдузларнинг шараф буржига етишларини қарамли деб билган. Хорут билан Морут қиссаси ҳам ўша замонда келиб чиқди. Бир ривоятга кўра, 365 ёшида Ҳак таоло Идрисни тўртинчи осмонга олиб чиққан. Бошқа бир ривоятга қараганда тўртинчи осмонда унинг руҳини олган. Баъзи-ларнинг айтишича, беҳиштга олиб бориб, ҳақиқатга яқин ривоят шулки, Ҳак жалла ва аъло фазли ва иноятдан камолот, илму амалидан малойикалар орасида гулгула пайдо бўлганмиш. Малакул-Мавтда у билан суҳбат иштиёки пайдо бўлган (в. 7а). Ҳазрати Роббул-иззат ижозати билан Идрис алайхиссалом билан ҳамсуҳбат бўлган. Натижада ҳамма билан дўстлик иттифоқи вужудга келган. Умри 365 ёшга етганда Идрис алайхиссалом илтимоси билан Азроил алайхиссалом Ҳакдан ижозат олиб, унинг руҳини олган ва жаҳаннамнинг жамеъи қаърларини ва азобларини кўрсат-ган, жаннат тамошасига олиб келган. Икки дўст суҳбат чоғида Идрис Азроилга шарт қилган эдики, жаннатни томоша қилдиргандан сўнг чиқишиб, иккинчи бор, Тўбо дарахти остида наълларимни эсдан чиқариб қолдирибман, деган баҳонани қилиб, яна қайтиб жаннатда ўрнашди, У ердан чиқмади, жаннат ичида ўлтириб Азроил алайхиссалом сўроқларига жавоб берди. Матушулх ибн Ахнух, яъни Идрис алайхиссалом ибн Бардин ибн Махлойил ибн Кайтон ибн Ануш ибн Шис алай-хиссалом ибн Одам сафиюллоху саловутоллохи алайхум ажмаъин, катта қавмга айланди ва отаси динида устивор ҳамда одамлар орасида адлу эҳсон сифатлари билан шухрат топди. Умри узун бўлди, вафот этгач, ўгли Ламйк ибн Матушулх ибн Ахнух ибн Бардин ибн Махлойил ибн Кайтон ибн Ануш ибн Шис ибн Одам саловатуллох алайхуму ажмаъин, отаси ўрнига ўлтирди. Баъзилар унинг номини Ламакон, бошқалари Ломйсақ дейишади. Ломис фиркаси ва Ломих гуруҳи ва зумрайи Лом

дейдилар, АлиЛму Индаллох. Айтишларича, Ламйк ибн Матушулх ёлгиз ўтган. Унинг замонида бутпарастлик залолати шухрат топди. Хабар беришларича, Хазрати Идрис алайхиссаломнинг осмонга кўтарилишидан кейин умматлар орасида бутпарастлик кенг ёйилди. Лекин аслида унинг пайдо бўлиши Махлойил ибн Кайнон ибн Ануш ибн Шис алайхиссалом вафотидан кейин юз берган. Айтишларича, шу нарса хақиқат эдики, Махлойил шакли айна Одам алайхиссаломга ўхшарди. Ул хазратни кўрганлар ҳам, Хазрати Сафиюллохни кўрмаганлар ҳам келиб Махлойилни зиёрат қилишдан хушнудлик изхор этар эдилар. Одам алайхиссаломга канча назрлар олиб келган бўлсалар, Махлойилга ҳам шунча берардилар. Махлойилнинг вақти-соати етгач ва Хак раҳматига етишгач, улкан бир кофила узокдан (в. 7б) катта назрлар билан Махлойилни кўргани келаётганди. Махлойилнинг авлоду саҳобалари хайрон бўлдиларки, улар гапирганда «хийла қияпсизлар», дедиларки: олиб келган бу микдордаги олтинларни чиқарманглар, Махлойил жамъ қилиб хазина қилган шу микдор олтинлар бунинг олдида ҳечдир. «Сиз ахли олам омийлари орасида азизу муқаррам эрурсиз», деб Махлойилнинг ясалаётган суратининг бир қисмини кўрсатдилар. Суратни Махлойилдан харғиз фарқ қилмадилар. Оқибатда савобга асли-бу сураткаш қўли биланки, аслида Шайтон эди, етишди. Махлойил пардасини ўзининг юзига ташлаб ўлтирганди. Уни ўша сурат устига ташлаб, гулому нқинлари ўша сурат олдида мулозаматда манзари олийда турдилар, Кўп микдорда олтинни назрга олиб келганлар узокдан катта эҳтиром билан мулозаматига топширдилар. Бу Махлойилми ёки Махлойилнинг суратими эканлигини тушунмаган жамоат шу тарика бир оз муддат одамлар олтинини олиб хазиналарйга тўпладилар. Бир пушт ўтгандан кейин хақиқатдан воқиф бўлмаган фарзандлар ўз шайтонла-рини кўрсатиб, маъкул қилдиларки, аждодларингиз шу суратга сажда қилганлар, сизинганлар. Сиз ҳам сажда қилсангиз, улар нима кўрган бўлишса, сизлар ҳам шуни кўрасизлар, дедилар. Вақт ўтиши билан бу суратга Махлойил авлоди сажда қилганлар. Бу ҳол Ламк ибн Матушулх замонигача машхур бўлиб кетди. Машрикдан Мағрибгача Маккада Худоси бўлган бир қисм халқда бу одат йўқ эди. Бутун ер юзида халқ бутпарастликка юз тутди. Айтишларича, Ламк ибн Матушулх ибн Ахнух 770 йил умр кўрган, У бутун олам1а нидо қилдики, ўрнига Сакиб ибн Ламк ибн Матушулх ўлтиради.

НУХ БАҲОУЛЛОХ АЛАЙХИССАЛОМ ИБН МАТУШУЛХ ИБН АХНУХ ИБН БАРД ИБН МАХЛОЙИЛ ИБН КАЙТОН ИБН АНУШ ИБН ШИС ИБН ОДАМ АЛАЙХИССАЛОМ САЛАВОТУВАССАЛОМ ЗИКРИ

Нух алайхиссаломнинг исми муқораклари Сакибдир. Баъзилар Масокиб дейдилар. Баъзилар эса Сокиб деб ўқиганлар. (в. 8а). Бошқа бир гуруҳ (олимлар) Мискар деб ёзишган. Хар ҳолда мурод Нух алайхиссаломдир. Хадис ҳукмича, «Ма хайлу у лавалазм даввам» дир ва уни Одами соний атайдилар ва Шайхул-анбиё ва Баҳоуллох унинг лақабидир. Кўпчилик қарих одамлар уни Нух дейдилар. Умри узун бўлгани учун Шайхуланбиё дейишган. Айтишла-рича, қирк ёшидан кейин Маъъус — пайгамбар бўлди. Баъзилар фикрича, 200 йилдан кейин набилиқ давлатига мушарраф бўлган.

Бошка ривоятга кўра, 480 ёшида вахийга уни (худо) мумтоз килган. Ихтилофли фикрлардан катъий назар, у биринчи бўлиб носихолар шариатини кавми орасига ёйган эди. Киёматнинг келишини бир кун олдин Хазрати пайгамбаримиздан, саллоллохи алайхи вассалом, хабар берган биринчи киши шу жаноби алайхиссалом эди. Пайгамбар голдузи, яъни кавм унинг дуоси билан халок бўлганлар, Салавотуллохи алайх. Умри 1400 га етганда тўфон воқеаси юз берди. Хазрати Нух алайхиссалом ҳозир ҳам Куфада мавжуд бўлган Тануридаи бошланди. Шайху-ланбийё алайхиссалом 20 ражабул-муражжабда 80 китни билан 920 йил унинг гаровида бўлдилар. Ўзи ясаган узунлиги 80 зироъ, «Жахоноро» сохибининг фикрича, узунлиги 300 зироъ ва эни 50 зироъ, баландлиги 30 зироъ, «Нафойисул-фунун» сохиби сўзича, узунлиги 1200 ареш, кенглиги 600 эреш, бошка бир фикрга кўра тасаввур килиш мумкинки, кема қурилиши жараёнида кофирлар масхара юзасидан ул жанобга: «Пайгамбарликдан кейин дурудгор бўласан» (дедилар), Кема уч табакалик килиб қурилиб бўлгач, биринчи табакаси уй хайвок (даввоб) лари учун, иккинчиси инсон ва яна қушлар учун эди. Бу кемани ўзининг уч фарзанди Ёфас, Сом, Хом ёрдами ва кўмаги билан курди.

Нух танурипинг суви, ки унга Одам алайхиссаломдан Нухга мерос қолган эди. Бу танур темирдан ясалган бўлиб, Жаброил алайхиссалом Одам алайхиссалом учун келтирган эди, қайнаган қуни, ўша 80 одам ва унга тобеъ уч ўгли жамъ бўлган 20 ражаб ул-муражжаб қуни Тўфон бошланганидан бир кеча-кундуз ўтгач, кемага тушдилар. Осмондан (в. 86) қайнок ёмғир ёғди, ердан совук сув қайнаб тошди. 168 кун давомида кемада бўлдилар. Панжшанба қуни 9 мухаррамул-харомда кемадан тушдилар. Бу тўфоннинг суви тамоми рубъи маскунни қоплаган эди ва дунёда бир тоғки, ундан баландроқ тоғ йўқ эди, тўфон суви шу тоғдан қирқ газ баландроқ кўтарилган эди. Худой таоло фармони билан Хазрати Нух алайхиссалом кемаси Мағрибдан Машриккача ва Машрикдан Мағрибгача икки марта бориб келди. Кейин Хазрати Субҳон амри билан Нух алайхиссалом кемаси Мўсул жазираси тоғларидан Жуди тоғи чўққисига келиб тўхтади. Нух алайхиссалом пайшанба қуни Мухаррам ул-харомнинг ўнинчи қуни ўз авлоди ва асхоби билан кемадан тушдилар. кейин шу ерда «Мадинатул-самонин» деган шаҳар курдилар. Баъзиларнинг фикрича, бу шаҳар «Суҳи Само-нин» дейилган. Бир неча кун ўтгач, ўша 80 нафар одамнинг 7 нафаридан бошка ҳаммаси ўлди, Онхазрати Нух алай-хиссалом ва у кишининг уч фарзанди: Ёфас, Сом, Хом, Нух алайхиссалом ўғилларининг хотинларидан ташқари ҳеч қим қолмади. Айтишларича, бу етти нафардан ташқари яна икки киши ҳам қолган, лекин булардан насл йўқ. Бу одамларки ҳозир ҳаёт кечирмоқдалар Хазрати Нух алайхиссалом авлодларидандир. Ўша икки нафарининг бири Авж ибн Унук бинти Одам алайхиссалом, иккинчиси бир кампирнинг набираси эдики, Нух алайхиссалом билан дўст эди ва хануз кофир эди ва ҳар кун Нух алайхиссалом учун бир нон ва бир коса катик олиб келарди ва айтардики, эй Нух, мену кофиримга ўз чўбин уйингга албатта йўл бергинки, мен сендан ҳеч бир ёлгон сўз эшитмаганман. Сенинг тўфон бўлади, деганинг албатта рост бўлиб чиқди. Хазрати Нух алайхиссалом унга ҳурмат юзасидан ваъда бердилар. Тўфон турган кунлар Худойи таоло ўша кампир ва хазрати Нух алайхиссалом ҳар иккисини бир-биридан ажратиб, хижоба солиб қўйди. Бутун кофирларнинг ишини тўфоннинг бир мавжи билан ҳал қилди. Кемадан ерга тушган кунлари бир қуни барча кампирлар қоида бўйича (в. 9а) олдин бир арпа нони ва бир коса катикни Хазрати Нух алайхиссаломга келтирган ва кўп маъзиратлар қилган эдиларки, «ё Нух, мана олти ой бўлибдики, мен ўша суви қуриган дарё бўйидаги чайлада ҳеч сув қолмаганидан, илло озгина сув машкнинг бир бурчида

колган эдики, найда олти ой мен ва менинг сигиримга кифоя килди. Сув важдан кўп танглик чекдим. Етишмовчилик важдан хизмат маъзурида камчилик бўлди. Умидворманки, камчиликларимни афв этурсан». Хазрати Нух алайхиссалом кампирни кўришидан гаажжубда қолиб бошини саждага қўйди: бир сир инкишо-фиға доир илми воқеъ бўлди. Дархол Хазрати Жаброил Хазрати Раббул-жалил амри билан нозил бўлиб баён этдики: «Ё Нух, Хазрати ҳақ таоло дейдиларки, бу пиразол холисона сенинг мухаббатингда яшади. Гарчанд, миллатда сендан бегона бўлса ҳам. Сенга бўлган мухаббати туфайли бизнинг дўстимиз бўлишини истаяик, нахотки дуагманларимизга қўшилиб дўстимиз гарк бўлса. Яна у билан шундай муомала қилдикки, харғиз қахру қазабимиз ваҳми унга маълум бўлмасин, токи унинг хотири ташвишда ўтмасин». Шундан кейин хазрати Нух алайхиссалом пиразол борасидаги ҳақиқатдан огоҳ бўлди ва шу пайтдаёқ мусудмон бўлди ва ўзи қалимаи тавҳидни наъра тортиб., ўқиди: Ла илаҳа иллоллоҳу, ва жонини ҳаққа таслим қилди. Азизим, ҳудо. дўстларининг мухаббатини кўргинки, қофирларга қандай асар ва натижа берди. Биз ва сиз мусулмончиликдан лоф урамиз ва қандон баҳрага эга эмасмиз. Бу шундан қалолат берадики, дўстликда қадокатли эмасмиз.

Агар ихлосимизда бирор қатъо бўлмаса, ҳар эҳтимолда ишлар бошқача бўларди. Доимо Ҳудои таоло бизнинг ва сизнинг ихлосқонлигини қамол мартабасида тутди ва нуқсонларимиз билан қабул қилур. Хазрати Муҳаммад расулуллоҳ соллаллоҳи алайҳи ва алайҳи ва саҳоба ва саллом, дўстликда Хазрати Нух алайхиссаломдекдир. У қишининг Сом, Хом ва Ёфас деган уч ўғли бор эди ва Хазрати Одами Соний ўғилларининг уч хотини, у қишининг Қанъон деган тўртинчи ўғли ва унинг онаси Хазрати Нух алайхиссаломга иймон келтирмаган эдилар. Ложарам, Хазрати Ҳақ қалла ва ало уларни «Йаталатаму амважун аннуҳу лайса мин ахлақа» («қапларга қараганда у сенинг ахлингдан эмас») қирдобига (в. 9б) гарк қилди. Уларнинг бесаодатлик воқеасидан ҳабар қериб, то олам инқирозигача меҳробу, масжидлару, мадраса-ларда қироат қилмокни буюрганлар. Шундай нақл борки, хазрати Нух алайхиссалом дунёни, рубъи масқун ҳам дейдилар, ўзининг уч ўғлига тақсим қилиб берганда, ҳар қайсисини маъмур қилинган тарафга жўнатди. Бу авлод ўзининг муқаррар томонига йўл солиш мақсадида бир неча қун оталари ҳузурида қолдилар. Бир қуни Нух алайхиссалом уйқуда қоғида баноғох Хазрати Нух алайхиссалом жомасиининг этағи очилиб, авротлари қўриниб қолади. Шу вақтда Хомнинг назари отаси авротига тушади ва ўринсиз қанда отиб қулиб юборади. Бу Хомнинг беадаблигидан Сом жуда ҳижолат қортди-да, қечирим сўраш ниятида, ёпиб қўйиш учун интилди. Аммо Ёфас Хомнинг қирдоридан воқиф бўлиб унинг адабини берди. Хом Ёфасга ёпишганди. Хазрати Нух алайхиссалом буларнинг гавғосидан уйғониб қетди. Қараса, Хом билан Ёфас бир-бири билан олишмокда, Ёфас Хомнинг адабини бермокда, Сомдаи улар жанжали ҳақиқатини сўради. Сом қояти уялғанидан қавоб бера олмади. Охир — улар, жанг сабаби, Ёфас алайхиссалом билан Хом орасидаги жанжал сабабидан Хазрати Нух алайхиссалом воқиф бўлди ва Сом ҳақиқа дуо ўқиди: «Ҳақ таоло сени ва фарзандларингни солихлар, қабилар ва авлиёларга айлантисин!» Хом ҳақиқа дуо ўқидиларки, Ҳақки субҳона ва таоло, сенинг авлодиндан қоралар қратилғай. Ёфас борасида дуо қилдиларки, Ҳақ таоло сени ва фарзандларингни азиз ва муқаррам қутиб, қазлу аҳсонинг барокотидан наслинғизда баракот бўлғай. Таворих аҳли қиборларидан баъзиси бу нақлнинг таъсирини йўқотишга қиришиб, Хом ҳақида қилинган дуо сабабини бошқача тушунтирадилар: Бўлса қордир. Ҳар тақдирда ҳам бу уч ақа-уқа ҳар қайсиси ўз хизматларини адо этмокка қиришади. Оталари туфайли

ва дуосидан учга бўлиниб кетдилар, дейдиларки, ризк турличадир.

Хазрати Нух алайхиссалом бугдойранг эдилар. Багоят раҳм-шафкатли, оёк-кўлли, (в. 10а) йирик-йирик кўзли, баланд коматли, камсукум айна пайтда нихоятда шиддатли ва газабли бўлганлар. Дейдиларки, Тўфон аввалидан то мукаддас хижратгача 3984 йил ўтган.

Хомнинг «Жахоннамо» рисоласида Тўфон бошланиши жумъасидан то хижратнинг пайшанбасигача Абурайхон ва унинг шогирдлари таҳикотига кўра, 3725 йилу 348 кун ўтгани кўрилган.

Аловуддин ибн аш-Шотир Димишкий ўзининг «Китоби нузхатун-нозир» (асари) да Тўфоннинг бошланишини пайшанба куни деб ёзган. Тўфон бошланган кун пайшанбадан то хижрат бошланиш пайшанбагача 3725 йил ва 350 кундир. Бу йилларнинг кунлари 13 лак 59 975 кун бўлади. Ўтган йиллар харасдир. Бир гуруҳ (олимлар) нинг ёзишича, Одам алайхиссаломнинг ерга нозил бўлишидан Нух алайхиссаломнинг Тўфон кунигача 2242 йил ўтган. «Жахоноро» (китоби) соҳибининг ёзишича, 2200 йил. Баъзилар Заххокни ўша даврда ўтган, Дейдилар. Бу галатдир. Зероки, мўътабар тарих китобларйда Заххокни Мархасп ибн Тоз ибн Арам ибн Сом ибн Нўх алайхиссаломнинг ўгли деб ёзилган, Заххокнинг Нух алайхиссалом асрига якин булгани (ҳақиқатга) ҳилофдир. Алқисса, Нух алайхиссалом бу олами тарқ этганда у кишидан мазкур уч угилдан бошқа авлод қолмаган.

давоми бор...